## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 7 ЙИЛЛИГИГА

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**Халқаро молия оламида энг нуфузли "Файненшл Таймс" нашриёти "Банкир" журналининг баҳосига кўра:**

**- энг йирик халқаро банклар орасида 463-ўринни ва Осиёдаги йирик банклар орасида 67-ўринни эгаллаган;**
**- жаҳондаги энг ишончли 50 банк жумласига кирган.**

**"Евромани" журналининг баҳосига кўра:**

**- 1998 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк деган номга сазовор бўлган;**
**- 1999 йилда Марказий Осиёдаги энг яхши банк деб белгиланган.**

*Ишониб топширилган омонатларга ўзини масъул деб ҳисоблаб, замонавий халқаро банк маҳсулотларидан фойдаланиб, Сизнинг маблағларингиз ишончлилиги ва яхши сақланишини таъминлаб ҳамда уларнинг даромадлилигини ошириб,*

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЖМУАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

***Жисмоний шахслар учун миллий валютадаги омонатлар:***

| Омонат тури ва муддати | % ставкаси | Дастлабки энг кам бадал |
|---|---|---|
| *Талаб қилингунча* | йилига 12 % | *100 сум* |
| *Муддатли (5 йил)* | йилига 40 % | *1000 сўм, қўшимча бадаллар камида 1000 сўм* |
| *Оқсоқол (1 йил)* | йилига 25 % | *1000 сўм, қўшимча бадаллар камида 1000 сўм* |
| *Меҳрибон она (1 йил)* | йилига 25 % | *1000 сўм, қўшимча бадаллар камида 1000 сўм* |
| *Тўёна (2 йил)* | йилига 30 % | *3000 сўм, қўшимча бадаллар камида 3000 сўм* |
| *Сарпо (3 йил)* | йилига 31 % | *3000 сўм, қўшимча бадаллар камида 3000 сўм* |
| *Таътил (3, 6, 9, 12 ой.)* | йилига 2,5 % | *3000 сўм, қўшимча бадаллар камида 3000 сўм* |
| *Нисо (3 ой, талаб қилинмаган ҳисобварақлар бўйича муддат яна 3 ойга тўғридан-тўғри узайтирилади)* | йилига 8 % | *2000 сўм, қўшимча бадаллар камида 2000 сўм* |
| *Келажак (5 йил)* | МБ нинг қайта молиялаш ставкаси бўйича (36%) | *1000 сўм, қўшимча бадаллар камида 500 сўм* |

***Байрам арафасида бутун Ўзбекистон аҳолиси учун қисқа муддатли омонатнинг "2000" деб аталган янги тури жорий этилмоқда***

- **омонат 1999 йилнинг 31 декабригача очилиб, 2000 йилнинг 5 январигача бўлган муддатга амал қилади;**
- **омонатнинг энг кам миқдори 2000 сўм;**
- **омонатга бадаллар нақд пул билан ҳам, омонатчилар ёки уларнинг вакиллари томонидан пул ўтказиш йўли билан ҳам тўланиши мумкин;**
- **омонат бўйича фоиз ставкалари йилига 42% (ёки ойига 3,5%) миқдорида белгиланади.**

***Жисмоний шахслар учун хорижий валютадаги омонатлар:***

| Омонат тури ва муддати | % ставкаси (йилига) | ҳисобварақлардаги қолдиқ (АҚШ долларида) |
|---|---|---|
| Талаб қилингунча | % сиз | *300 гача* |
| | 4,5 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 4,75 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 5,0 % | *10000 дан ортиқ* |
| *1 йилдан 2 йилгача муддатли омонат* | 5,75 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 6,0 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 6,25 % | *10000 дан ортиқ* |
| *2 йилдан 3 йилгача муддатли омонат* | 6,25 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 6,5 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 6,75 % | *10000 дан ортиқ* |

***Жисмоний шахслар учун эгасининг исми ёзилмайдиган хорижий валютадаги омонатлар:***

| Омонат тури ва муддати | % ставкаси (йилига) | ҳисобварақлардаги қолдиқ (АҚШ долларида) |
|---|---|---|
| Талаб қилингунча | % сиз | *300 гача* |
| | 4,0 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 4,25 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 4,5 % | *10000 дан ортиқ* |
| *1 йилдан 2 йилгача муддатли омонат* | 5,25 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 5,5 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 5,75 % | *10000 дан ортиқ* |
| *2 йилдан 3 йилгача муддатли омонат* | 6,0 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 6,25 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 6,5 % | *10000 дан ортиқ* |

***Қонунда белгиланган тартибда амалга ошириладиган жисмоний шахслардан хорижий валютани харид қилиш ва уларга сотиш операциялари***

***"VISA Classic" ва "VISA Electron" пластик карточкалари***



Пластик карточкалар бир йил муддатга очилади;
*VISA* карточкаларининг эгалари бир йил муддатга бепул суғурта қилинади.

***"American Express" - йўл чеклари энг машҳур ишончли тўлов воситасидир***

- "Американ экспресс" йўл чеклари нақд валюта эквивалентидир;
- Миллионлаб магазинлар, меҳмонхоналар ва ресторанларда Сиз бевосита шу карточкалар ёрдамида ҳақ тўлайсиз;
- "Американ экспресс" чеклари муддатсиздир. Сиз уларни навбатдаги чет эл сафарига қадар сақлашингиз мумкин.
- Йўл чекларини харид қилиш чоғида чекнинг чап тарафидаги юқори бурчагига, нақд пул олаётган вақтда эса чап тарафидаги қуйи бурчакка имзо чекинг ва Сиздан бўлак ҳеч ким пулингиздан фойдалана олмаслигига ишончингиз комил бўлсин.
- Нақд валютага алмаштириш чоғида Сиз янада фойдалироқ алмашув курсидан фойдаланишингиз мумкин.
- Чекни йўқотиб қўйган тақдирингизда, уни Ер куррасининг исталган жойида 24 соат ичида текинга тиклаб беришади.



"АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС" ЙЎЛ ЧЕКЛАРИ БУТУН ДУНЁДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

***Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг сўмдаги пластик карточкалари***

***- замонавий тўлов воситасидир***

- карточка эгаларига йилига 35% фойда тўланадиган омонатлар очилади (Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади)
- энг кам омонат 150 сўм



**Ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқитувчилари учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг сўмдаги пластик карточкалари 2000 йилнинг 1 январига қадар ТЕКИНГА ОЧИЛАДИ.**

**Сўмдаги пластик карточкалар супермаркетларда, магазинларда, маиший хизмат корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади ва ҳисобварақ қаерда очилганидан қатъи назар, пластик карточкалар эгаларига банкнинг исталган бўлим ва филиалларида нақд пул берилади.**

**СЎМДАГИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРНИ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ СУПЕРМАРКЕТЛАР, МАГАЗИНЛАР ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ НОМИ ВА МАНЗИЛИ:**

| | |
|---|---|
| 1. | "Панасоник" магазини, Тошкент ш.,. Навоий кўчаси, 14 |
| 2. | "Шарқ Мир" супермаркети, Тошкент ш., .Отатурк кўчаси,1 |
| 3. | "Ал-Жамол" супермаркети, Тошкент ш., М.К.Отатурк кўчаси, 21 |
| 4. | "Италфуд" супермаркети, Тошкент ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 63 |
| 5. | "Голландмаркет" супермаркети, Тошкент ш., «Тожик» кўчаси, 1 |
| 6. | "Ал-Машриқ" 1-магазини, Тошкент ш., У.Носир кўчаси, 43 |
| 7. | "Ал-Машриқ" супермаркети, Тошкент ш., Ғ. Ғулом кўчаси, 3 |
| 8. | Магазин № 1, Тошкент ш., «Олмазор» кўчаси, 165 . |
| 9. | Магазин № 7 Тошкент ш.,.Беруний кўчаси, 1 |
| 10. | Магазин № 8 Тошкент ш., У.Носир кўчаси, 144 |
| 11. | Магазин № 4, Тошкент ш., «Юнусобод» мавзеси., 14-даҳа |
| 12. | Магазин № 5, Тошкент ш., «Қизил-Шарқ» мавзеси, 24 |
| 13. | Магазин № 6, Тошкент ш., ТТЗ-4 мавзеси,.2 |
| 14. | Магазин № 9, Тошкент ш., «Қурилиш» кўчаси, 9 |
| 15. | Магазин № 3, Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 1 |
| 16. | "Истиқлол" Сити супермаркети Тошкент ш., Буюк ипак йўли, 52 |
| 17. | Тошкент ш., Авиачипталарни банд қилиш ва сотиш комплекси, У.Носир кўчаси, 9 |
| 18. | Тошкент ш., Маҳаллий йўналишдаги аэропорт |
| 19. | " Нозир" магазини Тошкент ш.,.Навоий кўчаси, 14 |
| 20. | " Зафар" супермаркети Тошкент ш., Амир Темир, 70 |
| 21. | "Рубин" магазини Тошкент ш.,.А.Темир, 1 |
| 22. | "Тошкент ўчоқбоши" ресторани, Тошкент ш.,.Лоҳутий кўчаси, 23 |
| 23. | "ARDUS" супермаркети Тошкент ш.,. Ю-обод т-ни, Марказ-4 |
| 24. | " Tashkent Plaza" супермаркети |
| 25. | " Океан - Сиифуд" супермаркети |
| 26. | " Океан - Сиифуд" ресторани |
| 27. | "Зенит"магазини Нукус ш.,. «Тўрткўл» шоҳкўчаси, 54 |
| 28. | " Маржон"магазини Нукус ш., «Қорақалпоғистон» кўчаси, 21 |
| 29. | "Инь - ян" магазини, Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 43 |
| 30. | " Ҳамид" магазини, Фарғона ш., Навоий, 6 |
| 31. | " Фарҳод - А" дорихонаси, Фарғона ш., Мустақиллик кўчаси, 29 А. |
| 32. | " Нилуфар - Ю" магазини Фарғона ш., У.Юсупов кўчаси, 5 |
| 33. | "Анд Наврўз" супермаркети Андижон ш., Мустақиллик кўчаси, 14 |
| 34. | "Анд Наврўз" -2 супермаркети, Андижон ш., Мустақиллик кўчаси, 14 |
| 35. | 30-«Зарафшон савдо маркази» Зарафшон ш., 3-мр |

**"Замонавий мулкдор" — аҳоли, корхона ва ташкилотлар учун қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича банк хизматларининг янги тури**

- карточка эгаларига йилига 35% фойда тўланадиган омонатлар очилади (фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади)
- энг кам омонат 150 сўм

***қимматли қоғозлар олди-сотдисини энди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалида амалга ошириш мумкин.***

**Хизматларнинг янги тури қуйидаги имкониятларни яратади:**

- "ЭЛСИС- САВДО" биржадан ташқари савдолар электрон тизими ёрдамида қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича операцияларга эркин кириш;
- Қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир маслаҳатлар;
- Биржадан ташқари бозорда сотиладиган қимматли қоғозлар котировкалари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.
- Қимматли қоғозлар билан битимларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни, қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича ҳисоб-китоблар хавфсизлигини ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини **кафолатлаймиз.**

***"UZ AIG" компаниясининг Бахтсиз ҳодисалардан якка тартибда ва оилавий суғурталаш дастури бўйича суғурта васиқасини расмийлаштириш ва олиш: мазкур васиқа Сизга ва оилангизга қийин дамларда мадад бўлади. Ўзингизга қулай бўлсин десангиз, суғурта бадалини ҳеч қандай тиббий гувоҳномасиз дарҳол тўлашингиз ва суғурта васиқасини олишингиз мумкин.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ САРМОЯНГИЗНИНГ ФОЙДА КЕЛТИРИШИ ВА САҚЛАНИШИГА КАФОЛАТДИР.

***Сиз кўп вақт сарфламай, таклиф этилган хизматларнинг исталган турини танлаб олишингиз ёки маслаҳатчига мурожаат қилиб, ўз омонатингизни бир маҳсулотдан олиб, бошқасига ўтказишингиз мумкин.***

**(998 71) 1376283, 1376280, 1375942 рақамли телефонларга қўнғироқ қилиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлими ва филиалидан қўшимча саволларга жавобларни олишингиз мумкин.**

2301

## ХАВФСИЗЛИК ЧОРАСИ

Қиролича Елизавета Иккинчига қарашли етти самолётнинг барчаси «Сайндвиндер» жанговар ракеталари билан қуролланадиган бўлди. Ҳам ҳаво ва ҳам ердаги мўлжални ура оладиган ушбу ракеталар НАТОнинг Югославияга қарши операциясида қўлланган эди.

Айтиш жоизки, илгари қироличанинг самолётлари ракета билан қуролланмас эди. Айни пайтга келиб, хавфсизлик нуқтаи назаридан, фақат қироличагина эмас, унинг оила аъзолари, шунингдек, Бош вазир Тони Блэр ва Парламент фракцияларининг етакчиларига хизмат кўрсатадиган самолётлар ҳам жанговар ракеталар билан қуролланадиган бўлди.

## ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИНИНГ ҚЎЛИ БОР

Москва ҳамда Волгодонскдаги портлашлар ортида халқаро террорчи Усама ибн Лодин турибди. АҚШ Марказий разведка бошқармаси (МРБ) мутахассислари Россиянинг террорчиликка қарши кураш маркази ходимлари билан ўзаро ахборот алмашганидан сўнг шундай хулосага келди, деб ёзади «Тайм» журнали.

Журналда ёзилишича, МРБ расмий вакили Россияда топилган портловчи моддалар таркиби ибн Лодин жангарилари қўллайдиган моддалар билан бир хил эканлигини маълум қилган.

Нима? Қачон? Қаерда?

# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

*1 декабр — Румыния давлати ташкил топган кун*

## ЎЗБЕКИСТОН-РУМИНИЯ:
## ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

***Румыния мамлакати ташкил топган кун муносабати билан Руминиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Мувaққат ишлари вакили жаноб Михаил ЕНЕСКУ «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— 1918 йилнинг 1 декабрида Альба Юлия шаҳарчасида, 100 мингдан зиёд румин иштирокида Миллий Мажлис тузилди ва у Трансилваниянинг Румыния Қироллиги билан қўшилишига овоз берди. Мазкур сана ягона миллий румин давлати ташкил топган кун сифатида нишонланади.

Айни пайтда иқтисоднинг барча соҳаларида қайта шакллантириш ва хусусийлаштириш жараёнлари жадаллашмоқда. Лекин шуни айтиш керакки, ушбу жараён бошқа мамлакатлардагига қараганда мураккаброқ кечмоқда.

Мамлакат ташқи сиёсатининг бош стратегик мақсади — Европа ва Евроатлантик тузилмалари билан тўла интеграциялашувдир.

Жумладан, ЕХҲТнинг яқинда бўлиб ўтган Истамбул саммитида Руминияни 2001 йилда ушбу ташкилот раислигига сайлаш тўғрисидаги қарори — Руминиянинг конструктив сиёсати ЕХҲТга аъзо давлатлар томонидан юксак баҳоланганидан далолат беради.

Ўзбекистон билан Румыния ўртасидаги муносабатлар нисбатан қисқа тарихга эга. Лекин ушбу муносабатлар тобора ривожланиб бормоқда ва у яхши истиқболга эга. Румыния биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларининг 1996 йилнинг ёзида Руминияга қилган ташрифи улкан аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Мазкур ташриф давомида икки давлат ўртасидаги Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда ўзаро манфаат касб этувчи бошқа муҳим шартномалар имзоланди. Икки давлат парламентлари томонидан Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация қилиниши ва унинг кучга кириши мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янги имкониятларини очади. Бироқ сўнгги вақтларда иккала давлат иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар туфайли товар айирбошлаш ҳажми пасайди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич тахминан 15 миллион долларни ташкил этади.

Ишончимиз комилки, Румыния Президенти жаноб Емил Константинескунинг келгуси йилда Ўзбекистон Республикасига режалаштираётган ташрифи савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожига ижобий туртки беради.

Шуни таъкидлашни хоҳлардимки, гарчи ҳозирги вақтда иккала томоннинг молиявий имкониятлари чегараланган бўлишига қарамасдан, жорий йилда «Сомешул-Клуж-Напока» румин халқ қўшиқлари мусиқий ансамбли нуфузли халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалида иштирок этди.

Яқин кунларда Ўзбекистонда Парламент ва Президентлик сайловлари бўлиб ўтади. Бу мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеадир. Ижозат берсангиз, фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига унинг барча орзу-умидлари мустажоб бўлишига тилак билдирсам. Бу орзу-умидлар, аслида оддий ва лекин улкан ҳаётий зарурратдир, яъни мамлакатда доимо осойишталик, фаровонлик ва равнақ бўлсин.

## ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ



*Она-табиат сир-синоатга, мўъжизаларга тўла. Сиз суратда кўриб турган қовун дарахти ана шу мўъжизалардан бири. Муҳими, уни кўриш ва мевасидан татиб кўриш учун Тинч океанининг Малукка оролида ёки Жанубий Африкада бўлиш шарт эмас. Қашқадарёга борилса, бас. Вилоятнинг Қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси қошидаги фермер хўжаликлари уюшмаси иссиқхонасида бу ноёб қовун дарахти кўплаб ўстирилмоқда. Унинг ҳосили жуда хуштаъм бўлиб, шарбатидан доривор сифатида фойдаланиш мумкин. Жумладан, ундан асаб ва ички органларни даволашда, косметология ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиш мумкин.*



**СУРАТЛАРДА: қовун дарахти кўриниши; иссиқхона раҳбари С. Баротов ишчилар Ж.Жумаев ва М.Хушев билан суҳбатлашмоқда.**

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Чеченистоннинг Центорой аҳоли пункти ҳудудида десантчилар бўлинмалари ва террорчилар гуруҳи ўртасида бўлиб ўтган жангда олтмишдан зиёд жангари ўлдирилди.

* * *

Жанубий Африка Республикаси пойтахти Кейптаундаги ресторанда содир этилган портлаш натижасида яраланганлар сони қирқ олтитага етди.

* * *

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе мамлакат Конституциясига асосланган ҳолда, авф этиш комиссияси мурожаати билан оғир жиноят қилмаган йигирма етти нафар маҳбусни авф этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

Покистон жанубидаги Хайрпур шаҳри яқинида поезд билан йўловчи автобус тўқнашиб кетди. Натижада 10 киши ҳалок бўлди, 20 киши жароҳатланди.

* * *

Колумбиянинг Стандер вилоятида маҳаллий сайлов ҳақида репортаж тайёрлаши керак бўлган икки тележурналист ваҳшийларча ўлдирилди.

**«Жаҳон» АА, ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


## ЭЪЛОН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

сифат жиҳатидан **Финляндияда ишлаб чиқарилган** қоғозга тенглаштирилган, А4 форматли, икки типдаги — **45 гр/м² ва 80 гр/м²** оқ ёзув қоғозларини миллий валютага, қисман олдиндан пул ўтказиш шарти билан улгуржи савдо тендерини ўтказади.

**Буюртма шу йилнинг 13 декабрига қадар қабул қилинади.**

**Маълумот учун 173-34-21 телефонига ёки Муқимий кўчаси, 166-уй, 217-хонага мурожаат қилишингиз мумкин.**

2316



## *ХОКИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!*

**ИХТИСОСЛАШГАН ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ**

# "Асака" банки

***сизга қуйидаги хизматларни тақдим этади:***

1) ***аҳоли омонатлари бўйича оширилган фоиз ставкаларини:***

| Омонат тури | 1.11.99 йилдан % ставкалари | Бекор қилинган % ставкалари |
|---|---|---|
| *Талаб қилиб олингунча* | *йиллик 14 %* | *йиллик 5%* |
| *«ОРЗУ» (3 ойдан кам бўлмаган муддат билан)* | *ҳар ойда 2,5%* | *ҳар ойда 2,5%* |
| *Муддатли:* | | |
| *- 6 ойдан 1 йилгача* | *йиллик 30%* | *йиллик 20%* |
| *- 1 йилдан 3 йилгача* | *йиллик 35%* | *йиллик 30%* |
| *- 3 йилдан 5 йилгача* | *йиллик 50%* | *йиллик 40%* |
| *- 5 йилдан ортиқ муддат билан* | *йиллик 70%* | *йиллик 50%* |

2) ***фоизларни ҳар ойда ҳисоблаб ва уларни ҳисоб рақамларидаги қолдиқларга қўшиш билан 34% йиллик ставкадаги депозит пластик карточкаларини. Ўз омонат маблағларингизни тез ва истаган вақтингизда олишингиз мумкин.***

***«Асака» банкининг ишонч телефонларини эслатиб ўтамиз — (371) 120-62-52.***

ASAKA BANK

**700015, Тошкент ш., «Нукус» кўч., 67.**
**Тел.: (371) 1208391, 1208392, 1208382.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва ҳамма вилоят марказларида.**

2285


*1 декабр— Бутун жаҳон СПИДга қарши кураш куни*

# ХХ АСР ВАБОСИ

***СПИД (ОИТС) — орттирилган иммун танқислиги синдроми касаллиги пайдо бўлганига унча кўп вақт ўтмаган бўлсада, у деярли бутун дунёга тарқалиб улгурди. Биз республика СПИД маркази поликлиникаси бўлим мудири Ўлмас ТОШЛОНОВА билан ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш чоралари ҳақида суҳбатлашдик.***

— СПИД (ОИТС) касаллиги яшин тезлигида тарқалиб, бутун дунёни ларзага солмоқда. «XX аср вабоси» деб ном олган бу хасталик инсонни миллати, жинси, насаби ва ёшини суриштириб ўтирмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ СПИД дастури кузатувларига қараганда, шу кунгача дунёда 35 миллион аҳоли ИИТВ (инсон иммун танқислиги вируси) инфекцияси билан хасталанган. 13 миллион бемор шу касалликдан ўлган. Кейинги йилларда ривожланган давлатларда ИИТВ инфекцияси билан касалланган аёлларнинг болалари туғилаётганда ёки дастлабки эмизиш давридаёқ СПИД билан касалланиш ҳоллари кўпаймоқда.

**— Ўлмасхон опа, илгари биз республикамизда СПИД таҳдид сололмайди, деб ўйлардик. Афсуски...**

— Ҳа, афсуски, бу бедаво дард Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 1987 йилдан шу кунгача республикамизда 71 нафар СПИД билан хасталанган бемор ҳисобга олинган. Улардан 32 нафари хориж фуқаролари бўлиб, ўз юртларига қайтариб юборилди. Шу давр ичида 8 нафар бемор СПИДдан қазо қилди. Қолган беморлар эса республика СПИД марказининг қатъий назорати остида турибди. Мутахассисларнинг статистик маълумотларига кўра, ҳозирги даврда захм, сўзак, трихомониаз, хломидиоз билан касалланиш ҳоллари кўпаймоқда. Бу эса ИИТВ инфекцияси билан касалланишга мойиллик яратади, чунки бу турдаги барча касаллик замирида ахлоқан бузуқлик ётади. Бутун дунё олимлари бош қотираётган бўлсалар-да, ҳанузгача СПИД(ОИТС)нинг давоси ёки унга қарши зиддизаҳар топилмаган. Бу касаллик инсоният келажагига болта ураётганини ўйлаб, бутун дунёда 1 декабр куни «Бутун жаҳон СПИДга қарши кураш куни» деб қабул қилинган. Шу куни Ўзбекистондаги барча СПИД марказларида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади. Марказ мутахассислари мактаб ўқувчилари, талабалар ва, умуман, барча қизиққан аҳоли ўртасида пинҳоний мулоқотлар, суҳбатлар олиб боришади. СПИД муаммоси нафақат тиббиёт, балки аср муаммоси саналади. Демак, биз, тиббиёт ходимлари, ички ишлар ходимлари, вазирликлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ёшлар уюшмалари, таълим-тарбия ва матбуот ходимлари баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, ёшлар орасидаги ахлоқий бузуқлик ҳолларини бартараф этишимиз ва оилада маънавий баркамоллик, садоқат ва вафодорлик барқарор бўлиши учун курашмоғимиз лозим.

**— Ўзида шу касаллик борлигига шубҳа қилаётган шахслар қаерга мурожаат этишлари лозим?**

—Кимда-ким ўзининг ИИТВ инфекцияси билан хасталанганига гумон қилса, ўзи яшайдиган тумандаги СПИД марказларига ёки республика СПИД Марказига мурожаат этишлари лозим. Биз доим хизматингизга тайёрмиз, пинҳоний (аноним) хонамиз эшиги сиз учун доим очиқ.

**Республика СПИД марказининг манзили: «Чилонзор» мавзеи, 16-даҳа, 12-уй. Телефон: 76-23-11.**

**«Халқ сўзи» мухбири М.ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**


ABN·AMRO

Мустақил Ўзбекистонда рақобатбардош банк тизимининг ривожланиши йўлида амалий қадамлар қўйилмоқда. Ҳукумат қарори билан банклар тизимидаги бир неча банкда ҳисоб рақами очиш ҳуқуқи каби муҳим тадбир қўллаб-қувватланди. 1999 йилнинг 1 декабридан бошлаб камида 200 нафар ходими бўлган корхоналар бу имкониятдан фойдаланишлари ва ўзлари учун иккинчи ҳисоб рақами очишга қайси банк қулай эканлигини аниқлаб олишлари мумкин.

Аминмизки, АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ худди шундай қулай банкдир. Энг бообрў «Euromoney» молия журнали томонидан АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ 1999 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк сифатида тан олинган.

**АБН АМРО Банк МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж. —**

***жамғармалар ҳақидаги ахборот сир тутилиши, сифатли, ишончли хизмат кўрсатиш кафолатини беради.***

*МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА СИЗНИ ҲАМ КЎРИШДАН МАМНУНМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!*

***Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд. Телефон: 120-61-41.***

2294



**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0911, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ. Навбатчи — Я. ҚЎЧҚОРОВ. Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.30*
1 2 3 4 5 6